Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

# 202 Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сонли «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги **қарор қилади:**

1. Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 53, 115, ҚҚ-19, 05-04-02-сонли «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2064, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 13-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 20 март,
14-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 20 март,
25-сон

**Маданият ва спорт ишлари вазири** **М. ХОДЖИМАТОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 20 март,
15-ққ-сон

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори** **О. ЮНУСОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 20 март,
08-05-04-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ққ,
08-05-04-сон қарорига
ИЛОВА

## Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сонли «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**умумтаълим мактаблари** — давлат умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб, махсус мактаб ва мактаб-интернатлар ҳамда нодавлат умумтаълим мактаблари;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



**дарсликлар** — умумтаълим мактаблари ўқувчиларига мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда Халқ таълими вазирлиги деб юритилади) томонидан ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган китоблар, ўқув қўлланмалар, иш дафтарлари;

**ўқув-методик қўлланмалар** (бундан буён матнда ЎМҚлар деб юритилади) — умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига мўлжалланган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган методик қўлланмалар, шунингдек уларнинг мультимедия иловалари;

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси** (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) — бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига молиявий маблағларни бирлаштириш йўли орқали умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармалари учун дарсликлар ва ЎМҚларни ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кутубхона жамғармалари учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни сотиб олиш ҳамда етказиб беришни барқарор ва муттасил молиялаштиришни таъминлайдиган жамғарма;

**Жамғарма Васийлик кенгаши** — Жамғармани бошқаришнинг юқори органи;

**Жамғарма ижроия дирекцияси** — Жамғарманинг ижрочи органи бўлиб, Жамғармага жорий раҳбарликни амалга оширади ҳамда унинг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

**дарсликлар тўплами** — ҳар йили Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тегишли синфлар ва таълим тиллари бўйича тасдиқланадиган ижара тизимига кирадиган дарсликлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сонли «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2 — 4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5 — 9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Умумтаълим мактабларининг 2 — 4-синф ўқувчилари учун чет тиллари бўйича дарсликларнинг иш дафтарлари ҳар йили янгиланади.

3. Дарсликлар тўплами умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармаларидан ихтиёрийлик асосида ижарага берилади.

Ўқувчи ва ўқитувчиларни чет тиллар бўйича дарсликлар ва уларни ЎМҚлар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш Жамғарманинг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.

## 2-боб. Дарсликлар ва ЎМҚларни нашр этишга буюртмани шакллантириш ва бажариш

4. Дарсликлар ва ЎМҚларни нашр этишга буюртмани шакллантириш



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



ва уларни умумтаълим мактабларига етказиб бериш мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Халқ таълими вазирлиги зарур дарсликлар ва ЎМҚлар билан таъминланганлиги бўйича умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармаларини ҳар йили инвентаризация қилиш ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлигини ўрганиш асосида кейинги календарь йили учун дарсликлар ва ЎМҚларга бўлган эҳтиёжнинг прогноз кўрсаткичларини чакана савдо тармоғи орқали, умумтаълим мактаби кутубхона жамғармаси ҳисобидан бепул таъминланиш ва ижара асосида таъминланиш кесимида ҳар йили 1 июнгача Жамғарма ижроия дирекциясига тақдим этади. Бунда кейинги календарь йили учун ўқувчиларнинг истиқбол контингенти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқланади.

6. Республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларга бўлган якуний эҳтиёж Халқ таълими вазирлиги томонидан аниқланади.

7. Келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхати 1 августга қадар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиб, барча умумтаълим мактабларига етказилади ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

8. Ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади ва 10 августгача келгуси ўқув йилига дарсликларни харид қилишга истиқбол квоталарни шакллантириш учун умумтаълим мактабларига етказилади ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

9. Келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхати ҳамда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхати умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармалари учун бюджет маблағлари ҳисобидан дарсликларни харид қилишга ҳар йилги буюртмаларни шакллантириш ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан дарсликлар билан таъминлашнинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлади.

10. Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили 1 сентябргача келгуси ўқув йилига дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишга буюртмаларни шакллантириш учун талабнома (бундан буён матнда буюртма деб юритилади) шакли тасдиқланади ҳамда барча умумтаълим мактабларига етказилади.

11. Буюртма қуйидаги кўрсаткичлар асосида шакллантирилади:

биринчи синфга ўқувчиларни қабул қилишнинг истиқбол кўрсаткичлари;

дарсликлар билан бепул таъминланадиган ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларнинг сони;

ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар орасида ўтказилган сўров натижалари;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасида ўтказилган хатлов натижалари.

12. Умумтаълим мактабининг биринчи синфига ўқувчиларни қабул қилишнинг истиқбол кўрсаткичлари умумтаълим мактаби жойлашган ҳудудда ҳар йили ўтказиладиган кузатувлар натижалари асосида аниқланади.

13. Келгуси ўқув йили учун дарсликлар тўплами билан бепул таъминланадиган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчиларнинг рўйхати ҳар йили 1 сентябргача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илтимосномасига ва ота-оналар қўмитасининг хулосасига асосан шакллантирилади.

14. Умумтаълим мактаблари томонидан ҳар йили 15 сентябрдан кечиктирмасдан ота-оналар қўмитаси билан биргаликда келгуси ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш усулини танлаш юзасидан ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги анкета асосида сўров ўтказилади.

Бундай сўров умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидан дарсликлар тўплами билан бепул таъминланадиган ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасида ўтказилмайди.

15. Биринчи синфга ўқувчиларни қабул қилишнинг истиқбол кўрсаткичлари, дарсликлар билан бепул таъминланадиган ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларнинг сони ҳамда ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахслар орасида ўтказилган сўров натижалари асосида умумтаълим мактаби бўйича буюртма лойиҳаси тайёрланади. Бунда буюртма лойиҳасидаги дарсликлар ва ЎМҚлар сони умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасида ўтказилган хатлов натижаларига асосан Халқ таълими вазирлиги томонидан фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар рўйхатига мувофиқ бўлган ва келгусида фойдаланиш учун яроқли деб топилган дарсликлар сонига камайтирилади.

16. Умумтаълим мактаби бўйича буюртма ҳамда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликлар ва ЎМҚларни эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар (бундан буён матнда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар деб юритилади) умумтаълим мактаби педагогик кенгаши томонидан муҳокама қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

17. Умумтаълим мактаби бўйича буюртма ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар умумтаълим мактаби томонидан ҳар йили 1 октябргача қоғоз (имзоланган ва тасдиқланган ҳолда) ҳамда электрон шаклда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.

18. Умумтаълим мактаблари бўйича буюртмалар ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан фанлар, таълим тиллари, дарсликлар ва ЎМҚлар номлари ҳамда синфлар кесимида ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



Туман (шаҳар) бўйича буюртмалар ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар ҳар йили 10 октябргача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига (бундан буён матнда ҳудудий халқ таълими органлари деб юритилади) тақдим этилади.

19. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда нашриёт, босмахона ва китоб-савдо ташкилотлари билан биргаликда ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун келгуси ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркалари ташкил этилади.

20. Туман (шаҳар) бўйича буюртмалар ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар ҳудудий халқ таълими органлари томонидан таҳлил қилинади ҳамда Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакиллари билан биргаликда дарсликлар ва ЎМҚларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркалари натижаларини ҳам инобатга олган ҳолда умумлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича буюртмалар ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар фанлар, таълим тиллари, дарсликлар ва ЎМҚлар номлари ва синфлар кесимида тасдиқланади ҳамда 20 ноябргача Халқ таълими вазирлигига тақдим этилади.

21. Ҳудудий халқ таълими органлари томонидан тақдим этилган буюртмалар ҳамда эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар Халқ таълими вазирлиги томонидан умумлаштирилади ва ҳар йили 1 декабргача мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда келгуси ўқув йилида республика бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталари шакллантирилади ҳамда бир ой ичида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамғарма Васийлик кенгашига тақдим этилади.

Республика бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини тасдиқлаш, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

22. Республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини шакллантиришда тегишли ҳудудлар, синфлар ва таълим тиллари бўйича буюртманинг умумий ҳажмидан 10% гача умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси шакллантирилиши мумкин.

Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси учун бериладиган дарсликлар ва ЎМҚлар сони улардан фойдаланиш белгиланган даврда синфлар ва таълим тиллари кесимида ўқувчилар контингентининг ўзгариши бўйича ўтказиладиган таҳлил асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



23. Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталари тасдиқлангандан кейин, Халқ таълими вазирлиги:

15 январгача республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликлар ва ЎМҚларни эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичларни туман ва шаҳарлар ҳамда умумтаълим мактаблари кесимида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги орқали тегишли нашриёт, босмахона ва китоб-савдо ташкилотларига тақдим этади;

1 февралгача республика бўйича дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини умумтаълим мактаби учун захирани инобатга олган ҳолда ҳар бир умумтаълим мактабига етказилишини ташкил этади;

1 апрелгача қонун ҳужжатлари талаблари асосида умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармалари учун дарсликлар ва ЎМҚларни нашр этиш ва қайта нашр қилиш юзасидан тендер ва (ёки) танлов савдоларининг ўтказилишини ташкил этади;

умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захирасини ҳисобга олган ҳолда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича дарсликлар ва ЎМҚларнинг тақсимотини тузади ҳамда дарсликлар ва ЎМҚларни 1 августгача барча умумтаълим мактабларига етказилишини таъминлайди.

24. Халқ таълими вазирлиги томонидан тузилган дарсликлар ва ЎМҚларнинг тақсимоти асосида ҳудудий халқ таълими органлари томонидан туманлар ва шаҳарлар бўйича, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан эса, ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича дарсликлар ва ЎМҚларнинг тақсимоти тузилади.

25. Дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилиш ва етказиб бериш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма томонидан молиялаштириладиган бошқа харажатлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги орқали амалга оширилади.

26. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган эркин сотиб олиш бўйича истиқбол кўрсаткичлар асосида ҳар йили 1 июлгача зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ЎМҚлар нашр этилишини таъминлайди.

27. Чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун нашр этилган дарсликлар ва ЎМҚларни сотиш учун тегишли нашриёт, босмахона ва китоб-савдо ташкилотлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туманлар марказларида ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шохобчалари, олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдоси тармоқлари, шу жумладан махсус мактаб бозорлари ташкил этилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



## 3-боб. Умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дарсликлар билан аниқ манзилли таъминлаш

28. Дарсликлар ва ЎМҚларни (чет тиллари бўйича дарсликлар ва уларга ЎМҚлар бундан мустасно) харид қилиш ва етказиб бериш бўйича қуйидаги харажатлар Жамғарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади:

умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини таъминлаш учун;

«Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчиларни таъминлаш учун;

ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни таъминлаш учун, нодавлат умумтаълим мактаблари бундан мустасно;

умумтаълим мактаблари ижара тизимини дарсликлар билан бирламчи таъминлаш учун;

умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини ЎМҚлар билан таъминлаш учун.

29. Нодавлат умумтаълим мактабларининг 2 — 9-синф ўқувчиларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган дарсликлар билан таъминлаш ижара тўлови асосида амалга оширилади, чет тиллари бўйича дарсликлар ва уларга ЎМҚлар бундан мустасно.

30. Биринчи синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчилар умумтаълим мактаби кутубхона жамғармаси томонидан дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади. Бунда дарсликлар тўплами билан бепул таъминланадиган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчиларнинг рўйхати 1 сентябргача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илтимосномасига ва ота-оналар қўмитасининг хулосасига асосан умумтаълим мактабининг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

31. Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони мавжуд бўлган ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш фойдаланишга яроқли бўлган мавжуд дарсликларни ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасини янгилаш ва тўлдириш орқали амалга оширилади.

32. Ўқувчини бошқа умумтаълим мактабига ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилган тақдирда, унга бепул фойдаланиш учун берилган дарсликлар уч кун ичида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига қайтарилиши лозим. Бунда умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан ўқувчи жорий ўқув йилида дарсликлар тўплами билан бепул таъминланиши лозимлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Ўқувчи уни қабул қилган умумтаълим мактаби томонидан мазкур маълумотнома асосида дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади.

33. Умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасида бошқа умумтаълим мактабидан келган, шу жумладан, дарсликлар тўплами ижара асосида



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



бериладиган ўқувчилар учун дарсликлар тўплами бўлмаган тақдирда, уларни зарур дарсликлар тўплами билан таъминлаш мазкур Низомнинг 5-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган дарсликлар ва ЎМҚлар билан умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси ҳисобидан бепул таъминланади.

35. Ўқувчи ва ўқитувчиларга бепул фойдаланиш учун берилган дарсликлар ва ЎМҚлар ўқув йили якунида тўлиқ ҳажмда умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига қайтарилади, биринчи синф ўқувчиларига берилган иш дафтарлари бундан мустасно.

## 4-боб. Дарсликларни ижарага бериш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

36. Ижара тизимидаги дарсликлар тўплами ўқувчиларга умумтаълим мактаби маъмурияти ва ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳомий ўртасида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган дарсликларни ижарага бериш тўғрисидаги намунавий шартнома асосида берилади.

37.Бепул фойдаланиш учун тақдим этиладиган дарсликлар ва ЎМҚлар, шу жумладан чет тиллари бўйича дарсликлар ва уларга ЎМҚлар умумтаълим мактаби маъмурияти ва ўқувчининг ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчи шахс ёхуд умумтаълим мактаби ўқитувчиси ўртасида мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган дарсликлар ва/ёки ўқув-методик қўлланмаларни бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги намунавий шартнома асосида берилади.

38. Фойдаланишга берилганлиги тўғрисида ҳар бир дарслик ва ЎМҚга кутубхоначи томонидан тегишли қайдлар қўйилади.

39. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдори республика бўйича ягона бўлиб, у Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан синфлар ва таълим тиллари кесимида тасдиқланади ва 25 августгача Халқ таълими вазирлиги томонидан барча умумтаълим мактабларига етказилади, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

40. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдори тегишли миқдордаги дарсликларни жорий молиявий йилда янгилаш ва ижара тизимига киритилишида уларни харид қилиш ва етказиб бериш учун зарур бўладиган маблағларнинг шартномавий ҳажмидан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарманинг ўтган молиявий йилда олинган ва амалга оширилган бошқа ҳақиқий даромадлари ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

41. Дарсликлар тўпламлари учун ижара тўлови миқдорларини аниқлашда истиқбол кўрсаткичлар қўлланганлиги сабабли, тегишли ўқув йилида ижара тўлови миқдорларининг ҳисоблашда камчиликлар мавжуд бўлиши ва бунинг натижасида ижара маблағлари ортиқча ёки кам тушиши мумкин.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



Белгиланган ижара тўлови маблағларининг ортиқча ёки кам тушганлиги аниқланганда, мазкур ортиқча ёки кам олинган сумма келгуси ўқув йилида тегишли синф ва таълим тили бўйича ижара тўловлари миқдорларини ҳисоблашда камайтириш ёки ошириш йўли билан ҳисобга олинади.

42. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови шартномага асосан 30 сентябргача тўлиқ ҳажмда тўланади.

Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар пул маблағлари вақтинчалик йўқлиги сабабли, ижара тўлови муддатини узайтириш тўғрисида умумтаълим мактаби маъмуриятига мурожаат қилиши мумкин. Бунда ижара тўлови муддати умумтаълим мактаби васийлик кенгаши қарори ва директор буйруғи билан узайтирилади.

Ижара тўлови муддати узайтирилган тақдирда, мазкур тўловнинг 50 фоизи 30 сентябргача, қолган қисми эса 30 ноябргача тўланиши лозим.

43. Дарсликлар тўплами учун ижара тўловлари умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

44. Ижара тўловлари тўланганлигини, шунингдек йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган дарсликлар ва ЎМҚлар учун зарар қопланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси, квитанция) нусхаси ўқувчининг (ўқитувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми, синфи ва таълим тили, тегишли ўқув йили, умумтаълим мактабининг рақами ва унинг ҳудудий мансублиги кўрсатилган ҳолда умумтаълим мактабининг бухгалтериясига тақдим этилиши зарур.

45. Ижара тўловлари, шунингдек йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган дарсликлар ва ЎМҚлар учун умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан беш кун ичида Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

46. Ижара тўловлари, шунингдек йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган дарсликлар ва ЎМҚлар учун умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини умумтаълим мактабининг эҳтиёжлари ва бошқа мақсадлар учун сарфлаш тақиқланади.

47. Нодавлат умумтаълим мактабларида дарсликлар тўплами учун ижара тўловларининг тўланиши уларнинг маъмурияти томонидан ташкил этилади. Бунда ижара тўловлари ушбу муассасалар томонидан мазкур Низомнинг 42-бандида белгиланган муддатда Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағига нақд ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

48. Дарсликлар тўплами ўқувчиларга қуйидаги муддатларда берилиши лозим:

дарсликлардан ижара асосида фойдаланадиган ўқувчиларга шартномага асосан ижара тўлови тўлангандан, ижара тўловини тўлаш муддати узайтирилган ҳолларда, унинг ярми тўлангандан кейин. Бунда ижара тўлови тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхасининг умумтаълим мактабининг кутубхоначисига тақдим этилиши дарсликлар тўпламини бериш учун асос бўлади;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



дарсликлардан бепул фойдаланадиган ўқувчиларга тегишли шартнома тузилган ҳолда 10 сентябргача.

49. Дарсликларни тўлиқсиз тўпламда ижарага беришга йўл қўйилмайди.

50. Ўқувчини бошқа умумтаълим мактабига ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилган тақдирда, унга ижара асосида фойдаланиш учун берилган дарсликлар уч кун ичида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига тўлиқ тўпламда қайтарилиши лозим. Бунда тўланган ижара тўлови қайтарилмайди ва ўқувчига умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан дарсликлар тўпламидан фойдаланиш учун ижара тўлови тўланганлиги тўғрисида маълумотнома ва тегишли тўлов ҳужжатининг нусхаси берилади. Ўқувчи уни қабул қилган умумтаълим мактаби томонидан мазкур маълумотнома ва тўлов ҳужжатининг нусхаси асосида дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади. Маълумотнома йўқолган тақдирда, унинг дубликати берилади.

51. Дарсликлар ёки ЎМҚлардан фойдаланиш усулидан қатъи назар, улар йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган тақдирда, ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд ҳомийлар ёки ўқитувчилар зарарни худди шундай дарслик ёки ЎМҚлар билан қоплайди ёхуд унинг бирламчи ҳужжатларда (ҳисоб-фактурада, юк хатида) кўрсатилган қийматини қуйидаги миқдорларда тўлайди:

биринчи синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлари учун — унинг бир баравари миқдорида;

2 — 4 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлари учун — унинг икки баравари миқдорида;

5 — 9 синф ўқувчиларининг ҳар бир дарслик ва (ёки) ЎМҚлари учун — унинг тўрт баравари миқдорида.

52. Умумтаълим мактабларида кўринарли жойга ижара тизими билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт:

дарсликлар тўпламларини фойдаланишга бериш ва ижара тўловини тўлаш тартиби;

дарсликлар тўпламларидан фойдаланиш шартлари ва муддатлари;

жорий ўқув йили учун Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган ижара тўловлари миқдорлари;

дарсликлар йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда, зарарни қоплаш тартиби.

53. Тегишли ўқув йили учун ортиқча тўланган ижара тўловлари ёки нотўғри ўтказилган маблағлар аниқланганда, умумтаълим мактаби томонидан Жамғарма ижроия дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилинади. Бунда Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакили мазкур мурожаатнинг асослилигини умумтаълим мактабига борган ҳолда ўрганади ва натижаси бўйича маълумотнома тузиб, уни кўриб чиқиш учун Жамғарма ижроия дирекциясига тақдим этади.

54. Ортиқча тўланган ижара тўловлари ҳамда нотўғри ўтказилган маблағлар мавжудлиги тасдиқланганда, ушбу маблағлар Жамғарма ижроия ди-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



рекцияси томонидан Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағидан умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига қайтарилади.

55. Умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига қайтарилган маблағлар бевосита умумтаълим мактаби томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни тўлаган шахсларга қайтарилади.

## 5-боб. Дарсликларни қайта тақсимлаш

56. Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасида дарсликлар тўпламлари ёки муайян номдаги дарсликлар етишмовчилиги мавжуд бўлганда, умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан ўқув йили бошлангунгача дарсликларни фойдаланишга бериш шарти, зарур бўлган сони, синфи ва таълим тилини аниқ кўрсатган ҳолда қўшимча дарсликлар тўпламлари ёки дарсликларни ажратиш тўғрисида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига ёзма равишда мурожаат қилинади.

57. Умумтаълим мактабларининг мурожаатига асосан, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан тегишли ҳудуддаги умумтаълим мактаблари бўйича синфлар ва таълим тиллари кесимида ўқувчилар контингенти ва уларнинг дарсликлар билан таъминланиши таҳлил қилинади.

Таҳлил натижаларига асосан, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳудуди доирасида умумтаълим мактаблари орасида дарсликлар тўпламларини қайта тақсимлаш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

Дарсликларни бериш ва қабул қилиш, уларни бир умумтаълим мактабининг балансидан бошқа умумтаълим мактабининг балансига бепул ўтказилишини инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Бунда дарсликлар тўплами учун ижара тўловлари уларни ўз балансига қабул қилган умумтаълим мактабининг шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади.

58. Дарсликлар тўпламлари етишмовчилигини уларни тегишли ҳудуддаги умумтаълим мактаблари бўйича қайта тақсимлаш орқали бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда:

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли ҳудудий халқ таълими органига;

ҳудудий халқ таълими органлари томонидан Халқ таълими вазирлигига дарсликлар тўплами сони, синфи ва таълим тилини аниқ кўрсатган ҳолда қўшимча дарсликлар тўпламларини ажратиш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилинади.

59. Туманлар (шаҳарлар) бўйича дарсликлар тўпламлари юзасидан таҳлил ўтказиш ва уларни қайта тақсимлаш ҳудудий халқ таълими органлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



бўйича дарсликлар тўпламлари юзасидан таҳлил ўтказиш ва уларни қайта тақсимлаш Халқ таълими вазирлиги томонидан мазкур Низомнинг 57-бандида белгиланган тартибда амалга оширади.

## 6-боб. Дарсликлар ва ЎМҚларни умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига қабул қилиш

60. Қабул қилинган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ҳисобини юритиш учун умумтаълим мактаби кутубхоначиси томонидан қуйидагилар юритилади:

мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги барча турдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ҳисобини юритиш китоби;

мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги ижара тизимига кирадиган дарсликларнинг ҳисобини юритиш китоби;

мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги ижара тизимига кирмайдиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ҳисобини юритиш китоби;

мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклда Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг инвентарь китоби;

мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда Йўқолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ўрнига қабул қилинган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ҳисобини юритиш китоби.

61. Мазкур китоблар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими раҳбари томонидан имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим. Уларнинг тўғри, аниқ ва тўлиқ юритилиши учун умумтаълим мактабининг кутубхоначиси жавобгардир.

62. Дарсликлар ва ЎМҚлар мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган далолатномага асосан қабул қилинади ҳамда умумтаълим мактабининг балансига кирим қилинади.

63. Полиграфик нуқсонлари ва (ёки) бошқа камчиликлари мавжуд бўлган дарсликлар ва ЎМҚлар кейинчалик уларни тегишли нашриёт ёки босмахонага қайтариш учун уч кун ичида умумтаълим мактаби томонидан дарсликлар ва ЎМҚларни «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасининг (бундан буён матнда «Ўқув таълим-таъминот» ДУК деб юритилади) тегишли ҳудудий филиалига қайтарилади.

64. Полиграфик нуқсонлари ва (ёки) бошқа камчиликлари мавжуд бўлган дарсликлар ва ЎМҚлар шартномаларда белгиланган муддатларда тегишли нашриёт ёки босмахона томонидан қабул қилиниб, «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиалига бошқаси билан алмаштириб берилади ҳамда «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиали томонидан тегишли умумтаълим мактабига топширилади.

65. Дарсликлар ва ЎМҚларни умумтаълим мактабининг кутубхона жам-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



ғармасига қабул қилиш ҳамда ҳисобдан чиқариш битта бирламчи ҳужжат (ҳисоб-фактура, юк хати) асосида алоҳида партиялар бўйича амалга оширилади.

66. Қабул қилинган дарсликлар ва ЎМҚлар Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги барча турдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ҳисобини юритиш китобига, шундан кейин тегишлилиги бўйича Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги ижара тизимига кирадиган дарсликларнинг ҳисобини юритиш китоби ёки Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги ижара тизимига кирмайдиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ҳисобини юритиш китобига кирим қилинади.

Мазкур китобларни тўлдиришда йўл қўйилган хато бир чизиқ билан ўчирилади ва кейинги қаторга тўғри ёзув киритилади. Бунда китобларда очиқ қаторлар қолдириб кетиш, шунингдек улардаги ёзувларни ўчириш, бўяш, уларнинг устидан қоғоз ёпиштириш тақиқланади.

67. Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига қабул қилинган дарсликлар ва ЎМҚлар маркаланади (штемпелланади).

68. Ҳар бир дарслик ва ЎМҚнинг ҳисоби унга индивидуал инвентарь рақамини бериш ва ушбу рақамни ҳар бир дарслик ва ЎМҚ муқовасининг ички қисмига ва 17 варағига қўйиб чиқиш йўли билан олиб борилади.

69. Дарслик ва ЎМҚнинг индивидуал инвентарь рақамини ўзгартиришга ёки ўчириб ташлашга йўл қўйилмайди.

70. Фойдаланувчилар томонидан йўқотилган ва уларнинг айби билан фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган дарсликлар ва ЎМҚлар ўрнига қабул қилинган дарсликлар ва ЎМҚлар Йўқолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ўрнига қабул қилинган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ҳисобини юритиш китобига қайд этилади. Ушбу дафтарга қайд этилган дарсликлар ва ЎМҚлар мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган далолатнома асосида кирим қилинади.

71. Умумтаълим мактабига ҳомийлик ёрдами сифатида тақдим этилган ёки умумтаълим мактаблари томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган дарсликлар ва ЎМҚлар қабул қилинган пайтдан бошлаб уч кун ичида манбаси кўрсатилган ҳолда умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасида алоҳида китобда ҳисобга олинади.

## 7-боб. Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги дарсликлар ва ЎМҚларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилиш

72. Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили 1 июнгача умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармаларидан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган дарсликлар ва ЎМҚларнинг рўйхати мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда уларнинг нашр этилган йили, номи, синфи, муаллифи ва ўртача вазни аниқ кўрсатилган ҳолда тасдиқланиб, умумтаълим мактабларига етказилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

73. Умумтаълим мактабларининг кутубхона жамғармалари ҳар йили



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



1 июлгача умумтаълим мактаби маъмурияти, ҳисобчиси, кутубхоначиси ва бошқа масъул ходимларидан иборат таркибда умумтаълим мактаби директорининг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссия томонидан хатловдан ўтказилади.

74. Хатлов натижалари мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома билан расмийлаштирилади.

75. Хатлов жараёнида ортиқча дарсликлар ва ЎМҚлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасига кирим қилинади.

76. Йўқолган дарсликлар ва ЎМҚлар мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклда, фойдаланиш муддати тугаган дарсликлар ва ЎМҚлар мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган далолатномалар асосида 1 августгача ҳисобдан чиқарилади ҳамда бу ҳақда тегишинча Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги барча турдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ҳисобини юритиш китобига, Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг инвентарь китобига ва Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги ижара тизимига кирадиган дарсликларнинг ҳисобини юритиш китобига ёзув киритилади.

Фойдаланиш муддати тугаган дарсликлар ва ЎМҚлар тўлиқ ҳажмда ҳисобдан чиқарилиши лозим. Бунда умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги фойдаланиш муддати тугамаган дарсликлар ва ЎМҚларни ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

77. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатномалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар умумтаълим мактабида уч йил давомида сақланиши зарур.

78. Йўқолган дарсликлар ва ЎМҚларнинг қиймати мазкур Низомнинг 51-бандида белгиланган миқдорда қопланади.

79. Дарсликлар ва ЎМҚлар умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидан ҳисобдан чиқарилганда, бир вақтнинг ўзида умумтаълим мактабининг балансидан уларнинг қиймати ҳам ҳисобдан чиқарилади.

80. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатномаларда кўрсатилган дарсликлар ва ЎМҚлар сони уларни умумтаълим мактабига қабул қилиш пайтида расмийлаштирилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштирилади.

81. Умумтаълим мактаблари томонидан дарсликлар ва ЎМҚларнинг ўртача вазнини ҳамда фойдаланувчилар томонидан йўқолган ва қиймати қопланган дарсликлар ва ЎМҚлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаби бўйича утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ҳажми аниқланади ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилади.

82. Тегишли ҳудуд бўйича утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ҳудудий халқ таълими органларига, ҳудудий халқ таълими орган-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



лари томонидан эса, Халқ таълими вазирлигига йўқолган ва қиймати қопланган дарсликлар ва ЎМҚлар миқдорини кўрсатган ҳолда тақдим этилади.

83. Ҳудудий халқ таълими органлари ёки улар тизимига кирмайдиган умумтаълим мактаблари билан «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиали ўртасида утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларни олиб чиқиб кетиш тўғрисида ёзма равишда келишув тузилади. Келишувда тегишли ҳудуд бўйича утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларнинг умумий вазни кўрсатилади ҳамда ҳудудий халқ таълими органи ёки Халқ таълими вазирлиги тизимига кирмайдиган умумтаълим мактаби раҳбари ва «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиали бошқарувчиси томонидан имзоланади.

Утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚлар ҳар бир умумтаълим мактабидан «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиаллари томонидан мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклда тузилган далолатнома асосида 1 сентябргача олиб чиқиб кетилади. Бунда утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларни олиб чиқиб кетишга тайёрлаш умумтаълим мактаблари томонидан, уларни юклаш ва олиб чиқиб кетиш «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг ҳудудий филиаллари томонидан амалга оширилади.

84. Утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиалига топширилгунга қадар умумтаълим мактаблари томонидан фойдаланиладиган дарслик, ЎМҚ ва адабиётлардан алоҳида сақланади.

85. «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиаллари қоғоз маҳсулотларни қайта ишлаш учун қабул қиладиган ташкилотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлайди, у билан шартнома тузади ва унга утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларни топширади.

86. Утилизация қилинадиган дарсликлар ва ЎМҚларни топширишдан олинган маблағлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиали томонидан уч иш куни ичида, бироқ дарсликлар ва ЎМҚларни умумтаълим мактабидан олиб чиққан кундан кейин олтмиш кундан кечиктирмасдан бажарилган ишлар учун тўлов ушлаб қолинган ҳолда Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

87. «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиаллари бажарган ишлари учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан декларация қилинадиган (тасдиқланадиган) нархларга (тарифларга) мувофиқ белгиланади.

88. Ҳудудий халқ таълими органлари томонидан «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг тегишли ҳудудий филиаллари билан биргаликда утилизация қилинган дарсликлар ва ЎМҚлар бўйича реестр тузилади ва 1 ноябргача Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакилларига топширилади.

## 8-боб. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот

89. Дарсликлар ва ЎМҚлар ҳаракати бўйича бухгалтерия ҳисоби ва



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



ҳисоботи умумтаълим мактаби ҳисобчиси томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

90. Умумтаълим мактаблари томонидан ҳар йили январь ва июль ойларининг 5-санасигача халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига тегишли ўқув йили учун мазкур Низомнинг 19-иловасига мувофиқ шаклда дарсликлар тўпламлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот ҳамда мазкур Низомнинг 20-иловасига мувофиқ шаклда йўқолган ёки кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

91. Туманлар ва шаҳарлар бўйича умумлаштирилган ҳисоботлар, шунингдек ҳар бир умумтаълим мактаби бўйича ҳисоботлар ҳар йили январь ва июль ойларининг 10-санасигача халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ҳудудий халқ таълими органлари ва Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакилларига тақдим этилади.

92. Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан умумтаълим мактабларининг шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмалар сўраб олишга ҳақли.

93. Умумтаълим мактабларининг шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмалар асосида ҳудудий халқ таълими органлари ва Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакиллари томонидан ижара тўловлари ва йўқолган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган дарсликлар ва ЎМҚлар бўйича тушумлар синфлар ва таълим тиллари кесимида таҳлил қилинади.

Умумтаълим мактаблари ва ҳудудлар кесимида умумлаштирилган ҳисоботлар ҳудудий молия органлари билан келишилади ҳамда ҳар йили январь ва июль ойларининг 15-санасигача Халқ таълими вазирлиги ва Жамғарма ижроия дирекциясига тақдим этилади.

94. Дарсликлар тўпламлари ҳаракати тўғрисидаги ҳамда йўқолган ёки кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тўғрисидаги ҳисоботлар барча босқичларда қоғоз (имзоланган ва тасдиқланган ҳолда) ҳамда электрон шаклда тақдим этилади.

## 9-боб. Умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг иш натижаларини баҳолаш мезонлари

95. Умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасидаги дарсликлар ва ЎМҚлар ҳисобининг юритилиши, улардан фойдаланилиши, уларнинг сақланиши, улар бўйича тўлов ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек ўқувчилар орасида дарсликларни авайлаб-асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар умумтаълим мактабларининг кутубхоначилари томонидан олиб борилади.

96. Қуйидагилар умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг иш натижаларини баҳолаш мезонлари ҳисобланади:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



мавжуд дарсликлар ва ЎМҚларни умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасига қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномаларнинг тўғри тузилганлиги ва сақланаётганлиги;

умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасида иш китобларининг тўлиқ ва тўғри юритилганлиги;

умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасида мавжуд дарсликлар ва ЎМҚлардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлил қилинганлиги;

дарсликлар ва ЎМҚлар зарур шароитларда ва тартибли сақланаётганлиги;

умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасидаги дарсликлар ва ЎМҚлар ўз вақтида хатловдан ўтказилганлиги;

фойдаланиш муддати тугаган дарсликлар ва ЎМҚлар умумтаълим мактабининг кутубхона жамғармасидан ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳисобдан чиқарилганлиги;

ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида дарсликлар ва ЎМҚларни авайлаб-асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш самарадорлиги;

ўз фаолиятида ахборот технологияларидан самарали фойдаланганлиги.

## 10-боб. Якуний қоидалар

97. Умумтаълим мактабининг маъмурияти қуйидагилар учун масъулдир:

умумтаълим мактабида ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлашнинг ташкил этилиши ва унинг самарадорлиги;

ўқувчилар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ижара тизими ҳақидаги маълумотлар билан таништирилиши;

дарсликларни фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномаларнинг тузилиши;

ижара тўловлари тушумлари бўйича ҳисоб-китобларнинг юритилиши, накд пул маблағларининг ўз вақтида банк кассасига топширилиши;

дарсликлар ва ЎМҚларнинг сақланиши ва ҳаракати ҳамда ижара тизими учун ҳар йилги буюртмаларнинг шакллантирилиши.

98. Нотўғри ёки қалбаки ҳужжатлар асосида дарсликлар тўпламини бепул фойдаланишга бериш ҳолатлари аниқланганда, мазкур ҳужжатларни расмийлаштирган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва тўланмаган ижара тўлови суммалари ушбу шахсдан ундирилади.

99. Фойдаланувчилар (ижарага олувчилар) ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, улардан оқилона фойдаланилиши ҳамда ўқув йили якунида олинган дарсликлар ва ЎМҚларнинг тўлиқ қайтарилиши учун жавобгардир.

100. Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакиллари ҳудуддаги туман ва шаҳар мактаблари бўйича ижара тизимининг юритилиши устидан ишларни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 may holatiga



Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни умумтаълим мактабларига етказиб бериш
## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддат |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Халқ таълими вазирлиги | Кейинги календарь йил учун дарсликлар ва ЎМҚларга бўлган эҳтиёжнинг прогноз кўрсаткичларини Жамғарма ижроия дирекциясига тақдим этиш | 1 июнгача |
| | | Келгуси ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ЎМҚлар рўйхатини тасдиқлаш ва умумтаълим мактабларига етказиш | 1 августгача |
| 2-босқич | Жамғарма Васийлик кенгаши | Келгуси ўқув йили учун ижара тизимига кирадиган дарсликлар рўйхатини тасдиқлаш | 10 августгача |
| 3-босқич | Халқ таълими вазирлиги | Келгуси ўқув йилига дарсликлар ва ЎМҚларни харид қилишга буюртмаларни шакллантириш учун талабнома шаклини тасдиқлаш ва умумтаълим мактабларига етказиш | 1 сентябргача |
